УзССР Давлат китоб палатаси
Инв. 300695
Гос. книжная палата УзССР

Илм – ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 21 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда.

25 (6670)

ХАЙР, ЖОНАЖОН МАКТАБ!

БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!

Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат лицейида булиб утган тантанали битирув кечасини лицей директори Сулмас Султонов очди.

Бу йил лицейни 74 нафар ўқувчи тамомламоқда. Улардан 7 нафари аъло даражадаги шаҳодатномани олишга муваффақ бўлдилар. 45 нафар ўқувчи эса лицейни фақат «4» ва «5» баҳолар билан тугатди.

Тантанали маросимда энг аълочи, жамоатчи ўқувчилардан Нигора Мирзаева, Дилфуза Бегимова, Аваз Бердиқулов ва Ҳилола Султоновалар «Лицей юлдузи» деган шарафли номга сазовор бўлишди.

Аълочи битирувчилардан Ирода Юсупова ва Ҳулқар Қирғизбоевага Халқ таълими вазирлигининг Мақтов ёрлиги топширилди.

Тантанали кечада Узбекистон Президенти девони маъсул ходими Муқимжон Қирғизбоев, Ўзбекистон халқ таълими вазири Жура Йўлдошев, вазир ўринбосари Муртазо Султонов, психология фанлари доктори, профессор Ботир Қодиров, Тошкент давлат университети доценти Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев битирувчи ёшларни табриклаб, уларга оқ йўл тиладилар.

Лицей битирувчиларига шаҳодатномалар тантанали равишда топширилди.

***

Утган шанба куни пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Усмон Носир номидаги 241-ўрта мактабда ҳам битирувчиларни мустақил ҳаётга тантанали кузатиш маросими бўлди. Кечада муаллимлар жамоаси, уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирок этдилар.

Битирувчи ёшларни устозлари номидан Муяссар Умирова, Назира Иброхимова, Салтанат Султонова, ота-оналар номидан кекса педагог, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Бурҳон Қаландаров, Обид Мансуров, Тожихон Гулмирзаевалар қизғин муборакбод этишди, уларни катта ҳаёт йули, Ватан ва эл-юрт кутаётганини таъкидлашди.

Мактаб директори Муяссар Раҳимжонова аълочи ва жамоатчи ўқувчилардан Шерзод Ғозиев, Зулфия Гулмирзаева, Нигора Маҳмудоваларга аъло даражадаги шаҳодатномаларни тантанали равишда топширди.

Кеча якунида битирувчи ўқувчилар устозларига таъзим бажо келтирдилар ҳамда жонажон мактабларига ўзларининг эсдалик совғаларини топширдилар.

Ж. ИСКАНДАРОВ.

***

Ҳамма жойда бўлгани каби Қамаши туманидаги 81-мактабда ҳам битирувчилар билан хайрлашув кечаси ўтказилди. Битирув кечасида ота-оналар, оталиқ ташкилоти вакиллари ҳам қатнашдилар.

Шунингдек, Ғафур Ғулом номидаги 63-ўрта мактабда ҳам ана шундай тантанали тадбир ўтказилди. Бу илм масканини бу йил 108 нафар ўқувчи битирди. Шу куни 8 нафар муаллим пенсияга кузатилди.

Битирув кечаси, айниқса, ёшларда чуқур таассурот қолдирди.

А.ОБИДДИНОВ.

САЛОМ, МУСТАҚИЛ ҲАЁТ!

Ўзбекистон — Украина

ҚУТЛУҒ ТАШРИФ

Кеча Украина Президенти Леонид Кучма давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди

Халқимизда ажойиб бир ҳикмат бор: қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг тараққий этишида ҳам жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан бир қаторда МДҲ давлатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари муҳим роль ўйнайди. Ана шундай алоқа Украина билан 1991 йилнинг октябрида имзоланган Битим асосида тобора чуқурлаштирилмоқда.

Ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари азалийдир. Бу халқларнинг ўзаро муносабатлари Буюк ипак йўли даврида ёқ боғланган эди. Ана шундан бери иқтисодий, маданий, дўстлик, савдо-сотиқ муносабатлари давом этиб келяпти. Бу даврда минг-минглаб украинлар ўзбек тупроғида, қанчалаб ўзбеклар украин тупроғида яшаб, истиқомат ҳам қилаётирлар. Бугунги кунда Ўзбекистонда Украина маданий маркази, Украинада эса ўзбек маданий маркази ишлаб турибди.

Кейинги йилларда ҳар икки мамлакатнинг иқтисодий алоқалари тобора кенгайиб бораётир. Украинанинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Сметаниннинг маълум қилишича, 1994 йилда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 86,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу йил эса ўзаро савдо иқтисодий шартномага кўра, Украинадан Ўзбекистонга қарийб 130 миллион АҚШ доллари ҳажмида товар олиб келиниши ва ўз навбатида Ўзбекистондан Украинага шунча миқдорда товар экспорт қилиниши кўзда тутилаётир. Украина мамлакатимизга шакар, этил спирти, қора металл ва металл прокати ҳамда бошқа маҳсулотлар етказиб бераётган бўлса, Ўзбекистондан Украинага пахта толаси, техника мойи ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

Украина Президенти Леонид Кучманинг давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келиши ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда янги босқич бўлади, албатта.

20-21 июнь кунлари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма ўртасида бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашувда ўзаро савдо, иқтисодий, маданий, маориф ва бошқа соҳаларга оид масалалар муҳокама қилинади ва бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланади. Шубҳа йўқки, дўст давлат Президентининг бу расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш, иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш имкониятини яратади.

«Маърифат» хабарлари

БЕЛЛАШУВНИНГ ЯХШИ ВА ЁМОН ТОМОНИ

Яккабоғда мактаблар ўртасида «Моҳир қуллар» беллашуви ўтказилди. Унда Ҳамид Олимжон номли мактабнинг ёш ҳунармандлари биринчиликни олишди. Курик-танловнинг бир яхши томони бой миллий меросимиз намуналари ўқувчилар муаллифлигида намойиш қилинди. Ёмон томони — баъзи мактабларнинг кўргазмаларида ижодкорлик сезилмади. Ҳатто ўқитувчилар қўли билан тайёрланган айрим намуналар ўқувчилар меҳнати сифатида кўрсатилгани ҳам ошкор бўлиб қолди, деб хабар беради беллашув ҳакамлар ҳайъати аъзоси Хайрулла Тураев.

Қизиқ, болаларнинг беғубор беллашувига-да сохтагарчилик аралаштирган «тарбиячи»лар бу билан қандай обрў топар эканлар?

МУХЛИСЛАР БАҲСИ

Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов таълим олган Косондаги 44-ўрта мактабда шоир ижодига бағишланган адабий баҳс бўлиб ўтди. Ёзги таътил арафасида уюштирилган бу тадбирда адибнинг илк устозлари, синфдош дўстлари иштирок этдилар. Мактаб ўқувчилари эса Абдулла Орипов шеърларини ёд айтиш, шоир сузи билан айтиладиган қўшиқларни куйлаш бўйича ўзаро беллашдилар. Алишер Ҳалилов, Эльмира Ҳайитова, Нозигул Бойматова, Нозима Шомуродова, Ҳуррият Жураева, Шоҳруҳ Мустафоев каби ўқувчилар ўзларининг чин мухлис эканликларини намойиш этиб, баҳсда ғолиб бўлдилар.

ТАЛАБАЛИККА ТАЛАБГОР КЎП БЎЛДИ

Янгибозорда янги ташкил қилинган иқтидорли болалар лицейига 1995-1996 ўқув йили учун талабалар қабули ўтказилди. Пировардида 240 нафар талабгорлар ўртасида 80 ўқувчига лицей талабаси бўлиш насиб этди. Синовларда сараланган бу ёш талабалар ижтимоий, табиий ва иқтисодий фанларни чуқур ўрганиш имконини қўлга киритдилар.

ЗИЁРАТИНГИЗ ҚАБУЛ БЎЛСИН

Оқдарёнинг Даҳбед қўрғонида Шарқнинг заковатли авлиёларидан бири бўлмиш Маҳдуми Аъзам Даҳбедийга бағишланган катта илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган зиёратчилар билан бирга Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон ва Туркия давлатларидан ташриф этган йирик исломшунос олимлар ҳам иштирок этишди. Анжуманда Даҳбедий ҳаёти ва ижоди хотирланди ҳамда ул муборак зотнинг қабрлари тавоб қилинди.

БАХТНИНГ КАЛИТИ ТОПИЛДИ

Ҳар нечук боғотлик болалар бу калитни топгандек бўлишди.

Маълум бўлишича, меҳнат асосан катталар бахтининг калити бўлиб, болалар бахт қулфининг калити эса одоб экан. Шу маънода туман болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида бўлиб ўтган «Одоб—бахт қулфининг калити» мавзуидаги кеча иштирокчи ёшларнинг онгида яхши фикр уйготди. Кечадаги ҳар хил саҳна томошаларини кўриш асносида болалар одобнинг қудратли кучини англаб етдилар.

Айтганча, ижодий марказ ёзги таътил давомида болалар билан яна кўп бор учрашиб, улар тарбиясига шу каби ижобий таъсирлар кўрсатишни режалаштириб қўйган.

БОЛА БОШИДАН

Фарғона вилоятида «Ёш саломатлик посбонлари» деб номланган ўқувчилар мусобақаси бўлиб ўтди. Вилоятнинг барча туман мактаблари қатнашган мазкур беллашувда Бувайдадаги С. Раҳимов номли мактаб ўқувчилари ғолиб чиқишди. Ҳакамлар ҳайъати ғолибларда ҳақиқатан ҳам тиббий қобилият кучли эканлигини эътироф этдилар.

Ўз ва жамоатчи мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

XXI аср мактаби

УСТОЗ НОМИ МУҚАДДАС

Султонбек Эркабоев — асакалик ижодкор ўқитувчи. У 1943 йилдан бери педагоглик касбини эъзозлаб келаётир. Домла муаллимлик қилиш билан бирга илмий мудир, мактаб директори, туман халқ таълими бўлими услубиёт хонаси мудири лавозимларида меҳнат қилди. Ҳар йили шаҳар, вилоят олимпиадалари ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этиб келмоқда. Матбуотда 20 дан ортиқ илмий-методик мақолалари эълон қилинган. Илм масканларида адабиёт назариясидан маълумот бериш усули, юқори синфларда маҳаллий материаллардан фойдаланиш йўллари каби мавзулардаги иш тажрибалари вилоят ўқитувчилари томонидан маъқулланган.

Ҳозирги кунда устоз шу тумандаги 7-ўрта мактабла ўғил-қизларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериш қаторида туман халқ маорифи тарихини яратиш борасида изланишлар олиб бораяпти.

С. Эркабоев мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Маориф соҳасида 43 йилдан ортиқроқ ишлаб қўйдим. Шогирдларим турли жабҳаларда меҳнат қилишяпти. Улар орасида республикага танилганлари кўп. Айниқса, издошларим — ҳам машаққатли, ҳам шарафли касб эгалари кўпаяётгани мени қувонтиради. Ўқитувчиликнинг машаққатлилиги шундаки, Сиз неча нафар ўқувчига дарс берсангиз, шунча ўқувчининг ўзига хос хусусиятини, унинг ўртоқлари, ота-оналари кимлигини, уй шароитини билишингиз зарур бўлади.

Бола қалби мисоли оқ қоғоз. Унга нимани ёзсангиз, ўшанинг ҳосилини оласиз. Яхши, бўлиқ ҳосилдан эса бутун жамият баҳраманд бўлади. Бунинг учун, энг аввало, муаллим, мактаб раҳбари бошқаларга нисбатан намуна, маёқ вазифасини ўтамоғи даркор.

Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевнинг «Иш билганга эл эргашар» («Маърифат», 1995 йил 7 июнь) мақоласида мактаб истиқболи ва унда мактаб раҳбари ўрни ҳақида муҳим фикрлар ўртага ташланган. Мактаб директори тадбиркор, билимдон бўлмас экан, унинг ёнидаги ўқитувчилар ҳам изланувчанликка, илғор иш услубларини қўллашга ҳар доим ҳам интилаверишмайди. Мақолада таъкидлаб ўтилганидек, иш натижаси, мактабнинг қандайлиги унинг раҳбарига боғлиқ.

Ҳозир айрим жойларда ўқитувчиларнинг ўғил-қизларга билим бериш ҳамда билганини энг осон усул билан ўқувчисига етказа билиш маҳоратлари мақтовга арзигулик даражада эмас. Албатта, бу ерда ўқитувчи шахси кўп нарсани белгилайди. Ўқитувчи изланувчан, ўз касби «поэзия»сини тушуниб етадиган, муаллимликни шарафлай оладиган фидойи инсон бўлиши лозим.

Касбга фидойилик қилсангиз, у сизни эъзозлайди. Шогирдларим мени «Домла» деб тез-тез йўқлаб туришади. Улар эътиборидан мамнун бўлиб, беихтиёр ўз устозларимни эслайман. География ўқитувчиси К. Усмонов ўзига хос ширали тил билан маъруза ўқирди. Ўлкаларнинг географик ҳолати ҳақида тушунча бераётганда, гўё бизни эртакнамо тепаликка чиқариб қўйиб, ўша тепаликдан атроф-ни томоша қилишга ундарди.

Математика муаллими Мадаминов сонларни синф тахтасига ўзига хос чеварлик билан ёзар эди. Биз уни ҳавас-ла кўчирардик. Тил ва адабиёт фани ўқитувчиси Назир Соли адабиёт дарсини ўтаётганда, гўё саҳнадаги артистни тинглаётгандек, сўз санъати сеҳри таъсирида қолардик. Шеърларни деярли ёддан ўқирди. Умуман, устозларнинг ҳар биридан такрорланмас услубларни ўргандик. Биз, шогирдлар улар ўгитлари ва услубларини ҳаётда қўллаяпмиз. Бу меҳридаре муаллимлар орамизда йўқ эрсада, улар ёди ҳамиша биз билан.

Бошланғич синфда дарс берган ўқитувчимиз Саодат Ғаниева олдига тез-тез бориб, маслаҳат олиб тураман. Демакки, биз таълим олган муаллимлар, мураббийлик касбининг устаси бўлганлар ҳамда ўзига хос мактаб яратганлар.

Ҳозирги замон ўқитувчилари орасида ҳам ўз ишининг фидойилари жуда кўп. Шоли қурмаксиз бўлмаганидек, таълим-тарбия ишида бепарво ўқитувчилар ҳам учраб туради. Бу тоифадаги ўқитувчиларга буюк математик олим Қори-Ниёзий таъбири билан «Ўқитувчиликка майлинг бўлса, ишла, бўлмаса йиллар ўтиши билан шогирдларинг олдида юзинг ерга қараб қолади, улар олдида ҳурматинг сен ўйлагандай бўлмайди», дейман.

Баъзан, ҳозирги ёшлар илм олишга қизиқмай қўйди, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Аммо бу гаплар хусусида таҳлилий фикр юритилса, кўпинча бунинг айбдорлари муаллимлар, аниқроғи, бошланғич синф ўқитувчилари бўлиб чиқади. Фикримча, ўғил-қиз бошланғичда яхши ўқиса, юқори синфларда фидойи муаллимлар қўлида тарбияланса, улар сўзсиз, илмга қизиқмай қолмайдилар.

Таълим-тарбияни яхшилаш учун тўққиз йиллик мажбурий таълимни тўлиқ амалга ошириш, юқори синфларга хоҳловчиларни эмас, иқтидорлиларни қабул қилиш лозим. Ҳунар мактаблари кўпайтирилиб, 9-синфни тугатган ўғил-қизнинг севган касби бўйича ўқишига имкон яратилмоғи даркор.

Иқтидорли болалар учун турли йўналишдаги синфларни кўпайтириш, ўқитувчиларнинг моддий жиҳатини яхшилаган ҳолда уларга нисбатан талабчанликни ошириш, ўқув дастурларини соддадан мураккабга тамойилига амал қилиб тузиш шу куннинг талабларидан бири бўлиб қолаяпти.

Бир неча йиллар олдин илм олиш ёки таълим бериш бир муддат пасайгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто айрим «билағон»ларнинг фикри билан ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатишнинг энг қулай воситаси бўлган иншо ёзиш кун тартибидан олиб ташланди. Бу камчилик тузатилган бўлса-да, лекин у аввалги мавқеини тиклай олгани йўқ.

Илм масканларидаги фанлар сони камайиш ўрнига кўпайиб кетаяпти. Адабиёт фани одоб берувчи, сўз санъатини ўргатувчи фан эканига қарамай, ундан «Одобнома» ажратиб олинди. Натижада адабиёт фанининг тарбиявий аҳамиятига катта путур етиш билан бирга «Одобнома» ўз номини оқлай олмаяпти. Сабаби, уни илғор, тажрибали ўқитувчилар ўқитмаётганлигидир.

Бундан ўн беш йилларча аввал академик Столетов: «Ҳозирги ёшларнинг енгил табиат бўлиб қолиши бадиий адабиётнинг пухта ўқитилмаслигидандир», деб кўрсатган эди. Менинг назаримда, бу фикрнинг тўғрилигини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Худога шукр, мустақилликка эришиб, қадриятларимиз, анъаналаримиз аста-секин бўлса-да, тикланиб бормоқда. Бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айни чоқда илм масканларида ҳаёт тарзимизга мос келмайдиган тартиб-қоидалар ҳам мавжуд. Масалан, шарқона одоб бўйича кичикнинг катта, шогирднинг устоз олдида кавшаниши одобсизлик ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан мактабларда ошхоналарнинг бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, деб биламан. Одатда, тартибли оила фарзандлари ошхонага кам киради, тартибсиз оилада тарбияланган бола ошхонага кўп ва хўб киради. Унинг фанларни ўзлаштиришини ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Чунки чой ичмай келган боланинг катта танаффус яқинлашган сари диққати дарсдан бўлина бошлайди, ошхонада овқатланган бола уйига вақтида бормайди, кўчада дайдиб юради. Кўпи билан болалар мактабда 3-5 соат бўлади, бунга, албатта, тоқат қилса бўлади.

Буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирий дастурхон атрофида ҳамманинг бўлишини талаб қилар экан. Ҳамма йиғилгач, дастурхонга қўл узатилар, охирида фотиҳа ўқилиб, ҳамма ўринларидан туриб ўз юмушларига кетар экан. Ҳамма оилада худди шундай тартиб ўрнатилса, нур устига нур бўларди.

Ўғил-қизларга нисбатан ўқитувчининг талабчанлиги тикланиши керак. Негаки, илгари вақтларда ота боласини домлага топшираётиб: «Эти сизники, суяги бизники», — дер экан. Бу калом мағзини чақсангиз, унда жуда катта маъно бор. Унинг ичида «Шу фарзандим илмли, одобли бўлса, олам менинки», деган умид, илинж ётибди. Қори-Ниёзий «Ҳаёт мактаби» китобида: «Шу мозор олдидан отлиқ ўтганимда, отдан тушиб, мозор томонга сажда қилиб ўтаман, чунки у ерда менинг муаллимим ётибди. У одам мен ўқишдан қочганимда ушлаб олиб, оёғимдан палахмонга осиб урдирган, ёрилган оёғимга туз септирган, шундан кейин мен ўқиб кеттанман, агар муаллим бундай қаттиқ жазоламаганда мендан Меҳнат Қаҳрамони, олим Қори-Ниёзий чиқмаган бўларди», — деб ёзади. Албатта, мен болаларга тан жазоси бериш керак, деган фикрдан мутлақо йироқман, шу билан бирга ўқитувчи қаттиққўл бўлиши тарафдориман. Аммо болаларни муте қилиб эмас, онгли интизом эгаси қилиб тарбиялаш лозим.

Ўғил-қизларнинг яхши ўқишида, одобли, иқромли, интизомли бўлишида ота-оналар, мактаб, маҳалла, жамоатчилик алоқалари муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун «Мактаб, оила, маҳалла» концепциясини жойларда изчил амалга оширилишига эришиш лозим. Ана шундагина «XXI аср мактаби» деб аталмиш «гулдаста»ни шакллантиришга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ.

Мактаб ва оталиқ ташкилоти

БИРНИ БЕРГАН – ЎННИ ТОПАР

Фарғона вилояти Бувайда туманидаги Бувайда жамоа хўжалигининг илм масканларига бераётган ёрдамлари тилга олса арзигулик. Ўтган йили Тоғли қишлоғи ҳудудида 824 ўринли мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилганди. Бу йил яна ана шу каби катта, хайрли ишга қўл урилди. Қишлоқдаги 23-ўрта мактабга олийҳиммат хўжалик миришкорлари 160 ўринли мажлислар зали, катта ҳажмдаги спорт зали қуриб беришяпти. Ўқув даргоҳининг атрофи 700 метрга яқин девор билан ўраляпти. Режага мувофиқ, спорт зали асосида мусиқа хонаси, мажлислар зали ичида эса болаларни ҳарбий хизматгача тайёрлашга мўлжалланган хона ҳам бўлади. Чамалаб қурилганда, ана шу бинолар бор бўйича жиҳозланиши билан миллий валютамиз ҳисобида 4 миллион сўмга чақилади.

— Хўжалик раиси Янгибой Турсуновни ўқув даргоҳимизнинг фахрий раҳбари ҳисоблаймиз,— дейди мактаб директори Раҳмонали Избосаров.— Барака топқур халқ таълимидан ҳеч нарсани аямайди. Ёрдамчи хўжалигимизга экиш учун дон, ўғит, транспорт воситаларини вақтида ажратиб турибди. Мактабдан тез-тез хабар олади. Раисимиз бу билан эл орасида хўжаликнинг ҳам, шахсан ўзининг ҳам обрўсини бутун қилаяпти.

— Мана шу мактабларда ўқиётган болалар нафақат қишлоғимизнинг, балки мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳам келажаги,— дейди жамоа хўжалиги раиси Янгибой Турсунов.— Ҳолбуки, бетиним меҳнатларимиз эвазига топаётган даромадимизни хўжалигимиздан орттириб халқ таълимига сарфлаш, ўйлайманки, бесамар кетмайди. Агар қурилиш материаллари ва мактаб жиҳозлари ўз вақтида топилса, ҳозирги қурилаётган биноларни тез орада фойдаланишга топшириш ниятидамиз.

Халқимизда бирни берган — ўнни топади, деган нақл бор. Бундай пурмаъно ҳикматни Янгибой ака раислик қилаётган жамоа хўжалигига нисбатан айтилса, жуда ўринли бўлади. Зеро, Тоғли қишлоғи аҳли, маорифчилар ҳам ана шундай серҳиммат инсонларга даромадингизнинг баракасини берсин, дейишяпти.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Халқ таълими фидойилари

МУДИР

Жиззах тумани халқ таълими бўлимининг мудири Муртозақул Зоиржонов яқинда 60 ёшга тўлади. Бугун шу ҳақда ўйлаб ўтириб, бундан уч йил бурун қиш фаслида Муртозақул аканинг вилоят миқёсидаги нуфузли йиғилишда сўзлаган нутқи хаёлимда акс-садо бергандай бўлди.

— Юрсам ҳам, турсам ҳам бирор мактабнинг томидан чакка ўтмадими, газ ё кўмирсиз қолиб, болалар совқотмадими, деган хавотирда яшайман, — деган эди ўшанда у. — Мактабларда шароит яхши бўлса, яйраб юраман, бирор ўқувчи ё ўқитувчи совуқдан қалам ушлолмай титраб турганини тасаввур қилсам, ич-ичимдан эзилиб кетаман...

Назаримда, Муртозақул аканинг бутун маънавий дунёси, бор эътиқоди гўё шу сўзларда акс эттандай. Сўнг у Ватан туйғуси ҳақида, уни севиш, унга муносиб ёшларни тарбиялаш хусусида гапириб, бунинг учун халқ таълими ислоҳотларини тезлатиш лозимлигини айтган эди. Ислоҳотлар! Дарвоқе, у туман халқ таълими тизимида қандай амалга ошаяпти? Саволга жавоб излаб, беихтиёр далил ва рақамларга назар ташлайман.

Туман бўйича мавжуд 51 та мактабнинг 33 таси компьютерлар билан таъминланди. Ҳар бир мактабдан 2-3 нафар муаллим ана шу «ақлли» машиналарда ишлаш малакасини оширди. Юқори синфлардан йиғилган 36 нафар иқтидорли ўқувчи ўғил-қизлар қўшимча машғулотларга жалб этилган. Туман маорифчилари дунёвий билимлар мезонига етишнинг энг ишончли йўли компьютер орқали ўтади, деб биладилар.

Мустақил республикамиз истиқболи бугунги кунда мактабларимизда таълим олаётган ёшларнинг билимига, одоб-ахлоқига, тафаккур олами-ю ижодкорлигига боғлиқ. Туманда «Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга оширишда асосий эътибор ана шу мақсадга қаратиляпти. Маорифчилар бултурдан бошлаб тумандаги 17 та болалар боғчасининг 6 тасига «Гимназия-боғча» мақомини беришиб, уларда чет тилларни ўргатишни йўлга қўйдилар. Зокир Норматов номидаги ўрта мактаб эса лицейга айлантирилди ва 8-синфдан бошлаб инглиз тили чуқур ўргатилаётир. Бундан бошқа яна 6 та мактабда математика, физика, она тили, адабиёт ва рус тили фанлари чуқур ўқитиляпти. Умумий ўрта таълим тўғрисидаги концепцияларга таянилган ҳолда эстетика, экология ва табиатни кенг ўргатиш дастурлари ишлаб чиқилди.

Бу ишларнинг ҳаммаси силлиқ ва осон амалга оширилаётгани йўқ, албатта. Биринчи галда Муртозақул аканинг мудир сифатида жонқуярлик билан елиб-югуриши, оталиқ ташкилотлари билан тил топишиб йўқни йўндириши, халқ таълими соҳасига муносиб ҳомийлар излаб топиши шундай яхши самара бермоқда.

Табаррук 60 ёш арафасида Муртозақул Зоиржонов босиб ўтган ҳаёт йўлига назар солган ҳар бир киши у оддий ўқитувчи, илмий бўлим мудири, мактаб директори вазифаларида ишлаган 22 йил, шунингдек, туман халқ таълими бўлимига раҳбарлик қилиб келаётган 18 йил натижаларидан қониқиш туяди кўнглида. Мактабларда ўқитган 20 нафардан зиёд ўқувчиси бугунги кунда республикада таниқли олим, 16 нафари турли раҳбарлик вазифаларида ишлашади. Туман муаллимлари сафига ўзининг 6 нафар фарзандини ҳам қўша олди. Мудирлик йилларида тумандаги болалар боғчалари ва мактаблар сонини икки баравар кўпайтиришга, билим даргоҳларини моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлаб, кўргазмали қуроллар билан таъминлаш даражасини оширишга катта ҳисса қўшди.

— Мактаб ислоҳидаги ҳали бартараф этилмаган нуқсонларни менинг номим билан боғланг, майли, лекин эришилган ютуқлар эса бир меники эмас, — дейди камтарлик билан Муртозақул Зоиржонов. — Туманимизда тажрибали, эл дилига яқин муаллимларимиздан Каримжон Назаров, Олтиной Фозилова, Турсуной Руҳиллаева, Қучқор Исомов, Марат Зокиров, Олимжон Назировлар сингари жонқуярлар борки, мен ҳамиша уларга таянаман.

Балки шундайдир, муҳтарам устоз! Сиз 60 ёшни қаршилаётган бундай кунда нуқсонлар ҳақида эмас, қунгилли ютуқлар ҳақида гапирсак-да, олтмиш билан олишиб етмишга етинг, саксондан сакранг-у, тўқсон билан тўқнашиб, юзга юзлашинг десак, ярашади. Иншоолло, шундай бўлсин!

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
журналист.

Олий ўқув юртларида

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ БАҲС

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўқув залида «Ижтимоий фанлар: тажриба ва истиқболлар» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ялпи йиғилишда асосан республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ижтимоий фанлар бошқармасининг бошлиғи Д.Н. Ғаниев, юридик фанлар номзоди, доцент Омина Каримоваларнинг маърузалари тингланди.

Д. Ғаниев ўз маърузасида ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитилиш ғоят муҳимлигини, бу масалага эски тузум пайтида панжа орасидан қараб келинганлигини, эндиликда мазкур хатолар бартараф этилаётганини ишончли мисоллар асосида кўрсатиб ўтди.

— Биз ҳуқуқий давлат қурмоқчи эканмиз, — деди нотиқ ўз сўзи давомида,— ёшларимизга кўпроқ ҳуқуқий билимлар беришимиз керак. Бунинг учун эса бизга ҳудди шу соҳанинг зукко мутахассислари зарур. Вазирлигимиз бу муаммони тезроқ ижобий ҳал этиш учун ҳаракат қиляпти. Хусусан, ўтган йили ТошДУ қошида юрист-педагоглик факультети очилди. Бу ерда таҳсил олиб чиққан талабалар келгусида бошланғич таълим мактабларига етук мутахассис сифатида кириб боради, деган умидламиз...

— Ҳа, бизларга ҳуқуқий билимлар бўйича мутахассислар жуда зарур, — деде ўз маърузасида О. Каримова, — лекин ТошДУда таҳсил кўриб, «юристпедагог» мутахассислигини олган ёшлардан ҳеч бири ўз ихтиёри билан мактабга ўқитувчилик қилиш учун бормайди. Ахир, у юрист! Бошқа бир ички ишлар органларида, суд, прокуратурада ишлашни хоҳлайди. Бу аччиқ ҳақиқат! Чунки ёшларимизнинг психологияси ҳозир шундай шаклланган...

Маърузачи ўз сўзи давомида ҳуқуқий билимлар бўйича мутахассисларни педагогика институтларининг тарих факультети қошида тайёрлаш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтди.

Анжуман давомида йиғилганларнинг савол ва таклифлари кўриб чиқилди. Мустақил юртимизда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш масалалари атрофлича муҳокама этилди. Айниқса, шу соҳада дарсликлар, қўлланмалар жуда камлиги, олимларимизнинг, профессор-ўқитувчиларимизнинг ёзган асарлари эса иқтисодий қийинчиликлар, қоғоз тақчиллиги баҳонаси билан нашриётлар, таҳририятлар пештахталарида қолиб кетаётганлиги қуюниб тилга олинди.

Хуллас, «Ижтимоий фанлар: тажриба ва истиқболлар» мавзусидаги илмий-амалий анжуман ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Баҳс янада қизғин ўтиб, кўплаб таклифлар киритилиши, масалалар ойдинлаштирилиши мумкин эди. Афсуски, йиғилишга ажратилган вақт қисқалик қилди.

Луқмон БЎРИЕВ.

Янги нашрлар

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

Янги, Миллий тикланиш партияси миллат, инсон ва Ватан манфаатини муқаддас деб билади. Унинг олий мақсади миллатнинг маънавий бирлигини таъминлашга, одамларга Ватан (Туркистон) — ягона оила эканлигини англатишга, кучли демократик давлат тузишга, миллий қадриятларни юзага чиқаришга, замон кишисини тарбиялаб, вояга етказишга, миллий истиқболга эришишга ҳисса қўшишга қаратилган. Яқинда партиянинг «Миллий тикланиш» газетасининг дастлабки сони босмадан чиқди. Газетага бош муҳаррир этиб партия Марказий Ҳайъати раиси муовини, таниқли олим ва ёзувчи, муҳтарам Иброҳим Ғофуров сайланди. Газета саҳифаларидан, жумладан, партиянинг таъсис қурултойи бўлиб ўтгани ва партияга расмий гувоҳнома топширилгани ҳақидаги ахборотлар, қурултой резолюцияси, анжуман сайлаган Раёсат, партия Марказий Ҳайъати аъзолари рўйхати, партия ва «Миллий тикланиш» газетаси номига келган табриклару ҳамда тилаклар ўрин олган. Шунинглек, Марказий Ҳайъат раиси Азиз Қаюмовнинг партиянинг тўғилиши, мақсад-вазифалари ҳақидаги, ота-бола тарихчи олимлар Ҳамид Зиёев ва Азамат Зиёларнинг илмий юксалиш асослари ва Туркистон бирлигининг зарурати тўғрисидаги, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғуломовнинг Саид Аҳмад таваллудининг 75 йиллигига бағишланган мақоласи, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Ҳуррият» газетасининг 1918 йилги 26 январь сонида босилган қозоқ қариндошларимизга очиқ хати эълон қилинган.

«БИРЛИК»

«Бирлик»нинг дастлабки сонида ҳам янги «Халқ бирлиги» ҳаракатининг ғоя-мақсадларини ифодаловчи мақолаларга катта ўрин берилган. Уларни ўқиган киши ҳаракатнинг таъсис қурултойида кўрилган масалалар мазмуни, расмий гувоҳнома топширилгани ҳақидаги хабар, ҳаракат Марказий Кенгаши ва тафтиш комиссияларининг таркиблари, ҳаракат раиси Турабек Долимов, ҳамраислар Камол Мамбетов, Карим Расулов, Сергей Зининларнинг таржимаи ҳолларидан воқиф бўлишлари, ҳаракат дастури ва таъсис қурултойи қатнашчиларининг мурожаатлари билан танишишлари мумкин. Газетада булардан ташқари, турли мавзулардаги мақолалар ва бадиий ижод намуналари ҳам ёритилган.

«Маърифат» газетаси, жамоаси ҳар икки нашр жамоаларини чин дилдан қутлаб, уларнинг эзгу ишларида омад тилайди.

Педагогик тест-синовлари

Борис ФАРБЕРМАН

4. ДИДАКТИК ТАЛАБЛАР

Педагоглар тайёрлаган тест топшириқларининг ҳаммасини ҳам бирдек ишончли деб бўлмайди. Тест саволлари мукаммал бўлиши учун бир қанча талабларга риоя этиш лозим. Булар қуйидагилардан иборат: тест топшириқлари мазмунининг ўқув материалининг назоратдаги қисмини ўрганиш мақсадига мувофиқлиги; материал аҳамияти: илмий аниқлик; изчиллик, тўкислик ва ўйғунлик; ўзлаштириш даражасига кўра табақалаштириш; самарадорлик (кумулятивность); тил тиниқлиги ва аниқлиги, бир маънолилик; қатъий белгиланган вақт; ихчамлик; мураккаблик меъёри; тўғри жавоб қўшимча белгиларининг номавжудлиги; вариативлик; шаклан ва мазмунан ўзаро боғлиқлик.

Энди мазкур талабларни бирма-бир баён қилайлик.

Ўқув мақсадига мувофиқлик. Тест топшириқлари мазмунини белгилашда асосий эътибор ўқув мақсадига қаратилиши лозим. Ўқув мақсадлари мажмуи иерархик тузилишга эга. Шунинг учун жузъий (нисбатан яқин) мақсадни амалга оширмай туриб, умумий (нисбатан олис) мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳар тест саволи маълум бир ўқув мақсадининг рўёбга чиқишини таъминлайди. Маълум бир жузъий мақсадни тестга қандай тушириш методикаси ҳақида адабиётларда ёзилган. Биз ҳам кейинчалик бу мавзуга яна қайтамиз.

МАТЕРИАЛ АҲАМИЯТИ. Тест саволларига билимнинг энг муҳим, асосий қисмларини киритиш лозим. Тестда топшириқлар сони одатда чекланган бўлади. Бинобарин, тўғридан-тўғри қўйилаётган масалада барча мавзулар тўлиқ қамраб олинмаган бўлиши мумкин. Умумий ҳолатдан хусусий хулосаларга келиш (дедуктив) ва аксинча, айрим далиллардан умумий хулосалар (индуктив) чиқара олиш қобилияти назарий қоидаларни алоҳида ҳолатларда қўллаш нечоглик ўзлаштириб олинганини, тафсилотларни билиш эса назарий асосларни тушунишни кўрсатади.

ИЛМИЙ АНИҚЛИК. Тестта мушоҳада, билим орқали асослаш мумкин бўлган ҳаққоний маълумотлар киритилади. Илмда мавжуд бўлган мунозарали қарашларни тест саволларига киритиш тавсия этилмайди. Тест топшириқлари табиати аслан аввалдан маълум аниқ жавобни тақозо этади.

ИЗЧИЛЛИК. Тестдаги топшириқлар маълум бир фанга тааллуқли, умумий билим моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ бўлиши лозим. Изчиллик айни бир топшириққа жавобнинг умумий тест натижаларига нисбатан муносабатдор (коррелятив) бўлишида кўринади.

ТЎКИСЛИК ВА ЎЙҒУНЛИК. Тестдаги топшириқларнинг умумий сони мавзу ва қисмларга нисбатан тенг тақсимланиши аҳамиятли. Бунда ўрганилаётган фаннинг барча жиҳатларини тўла қамраб олиш лозим.

ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИГА КЎРА ТАБАҚАЛАШТИРИШ. Ўқув материалининг маълум бир таркибий қисмига оид ўзлаштириш даражаси турлича (билиб олиш, эсда қолган нарсани тасвирлаш (репродукция) лаёқати, унумли ижодий фикрлаш) бўлган тест топшириқлари тузиш мумкин.

Билиб олиш тест топшириқларида аввал ўзлаштириб олинган маълумотларни қайта тиклаш орқали намоён бўлади. Бунда хотира қуввати катта аҳамиятга эга.

Ўқувчи маълумотларни аввалдан ўзлаштирилган асосда мустақил равишда қайта тиклаб, вазифа бажарганида фанда аввалдан маълум қоида ва алгоритмларга суянади. Бундай ҳолда у эсда қолганни тасвирлаш, тиклаш йўлидан боради.

Унумли ижодий фикрлашга оид тест топшириқлари эса синалаётган шахсдан маълум умумий методларни топшириқда кўрсатилган шарт-шароитларга мустақил жорий эта олиш лаёқатини имтиҳон қилади.

Унумли ижодий фикрлаш фаолияти тайёр қоидалар ва алгоритмлар асосида эмас, маълум қоидаларга кўра яратилган ёки янги шароитдаги фаолият жараёнида қайта яратилган қоидаларга биноан амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам тест топшириқлари тузилаётганда ўқув мақсади ўқув материалига тааллуқли муайян қисмни ўзлаштириш даражасига мувофиқ келишига эришиши лозим.

САМАРАДОРЛИК (КУМУЛЯТИВНОСТЬ). Самарадорлик тест топшириқларининг борган сари мураккаблашиб боришини назарда тутади. Бу қатъий талаб эмас. Чунки замонавий соддалаштирилган компьютер тест тизимида ўқувчига навбатдаги тест топшириги аввалгисини қандай еганига қараб берилади. Яъни, аввалги саволга муваффақиятсиз жавобдан сўнг унга мураккаб бўлмаган тест топшириқлари берилиши мумкин.

ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН ВАҚТ. Бу шарт моҳияти шундан иборатки, ўйлаш учун 2 дақиқадан ортиқ вақт талаб қиладиган тест саволлари бўлмаслиги лозим. Бир қанча хорижий тест топшириқлари таҳлил этилганида, математика бўйича ҳар саволга 65 секунд, тил ва адабиёт бўйича 32 секунд, ижтимоий ва табиий фанлар бўйича 41 секунд, далиллар ва иборалар учун 20-25 секунд, чизмалар учун 90 секунд, фигураларни аниқлаш учун 90-120 секунд вақт ажратилиши маълум бўлди.

ИХЧАМЛИК. Тест топшириқлари чўзилиб кетмаслиги, қалаштириб ташланмаслиги лозим. Мураккаб, қўламли ўқув саволини ўзлаштиришни аниқлаш зарур бўлган ҳолларда уни бир қанча ихчам тест топшириқларига бўлиб ташлаган маъқул.

ТИЛ ТИНИҚЛИГИ ВА АНИҚЛИГИ, БИР МАЪНОЛИЛИК. Тест топшириқларида кўп маъноолилик ва ноаниқликка йўл қўйиб бўлмайди. Америка Қўшма Штатларида тест топшириқларини тузувчилар гуруҳига муайян бир ўқув фани бўйича тажрибали педагог, руҳшуносдан ташқари адабий муҳаррир ҳам киритилиши анъанага айланган.

МУРАККАБЛИК МЕЪЁРИ. Тест топшириқлари педагогик жиҳатдан фойдали бўлиши учун оддий ахборот бериб қолмаслиги, жавоби очиқдан-очиқ аён бўлмаслиги лозим. Натижа ярмига тенг (Н-0,5) бўлган тест топшириқлари нисбатан самарали саналади. Бундай натижа ўқув материалини яхши ўзлаштирган ва чуқур тайёргарлик кўрмаган ўқувчини аниқлаб олишни ёсонлаштиради. Шунинг учун ҳам абитуриентларни танлаш, битирув имтиҳонлари каби муҳим тадбирлар учун тест топшириқлари ўқув дастурини тўлиқ ўрганган ўқувчиларнинг 50 фоизи бажара олиши мумкин бўлган даражада тайёрланади. Бундан хулоса шуки, маълум бир йўналишдаги тестлар учун 50 фоизлик натижа яхши кўрсаткичдир.

Шуни унутмаслик керакки, ўз синфи учун муаллимлар томонидан тайёрланган тест топшириқлари бошқачароқ мезон билан баҳоланади. Бунда эллик эмас, саксон беш фоиз кўрсаткич мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу масала алоҳида мавзу сифатида урганишга муносиб.

ТЎҒРИ ЖАВОБ ҚЎШИМЧА БЕЛГИЛАРИНИНГ НОМАВЖУДЛИГИ. Тест тузишда тажрибасиз киши тушунарли бўлсин деган мақсадда тўғри жавобни бошқа жавобларга нисбатан кенгроқ ва батафсилроқ баён қилади. Ўқувчилар бу фарқни тез илғаб оладилар ва жавобни ана шу белгига қараб аниқлашади. Бу, албатта, ножоиз.

ВАРИАТИВЛИК. Ўқув материалидаги маълум бир мавзуни ўзлаштиришни назорат қилиш учун мантиқий фикр баёни, синтактик тузилиши, морфологик белгилари ёки мураккаблик даражасига кўра турлича бўлган тест саволлари тузиш мумкин. Бу бир ўқув мақсадига эришиш йўлида топшириқлар «туркуми»ни яратиш имконини беради. Шу боис соддалаштирилган компьютер тест тизими вариативлик хусусиятига асосланган. Бунда компьютер навбатдаги топшириқни аввалги саволга берилган жавобга кўра танлайди. Соддалаштирилган ўқув ва соддалаштирилган замонавий тизимни яратиш ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг самарали ва истиқболли йўлидир. Соддалаштирилган тест усули педагогик баҳолашнинг қулай воситасидир. Тест назариясидан шу нарса маълумки, тест мазмуни ва ўқувчи тайёргарлик даражаси мувофиқлиги тест натижалари юқори бўлишини кўрсатмоқда.

ШАКЛАН ВА МАЗМУНАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК. Диалектик тамойилга асосланган бу мавзуни тестга жорий этишда санъатга қиёсан ўрганиш масала моҳиятини ёрқинроқ очиб беради. Гегель сўзига қараганда, ҳақиқий санъат асари шаклан ва мазмунан яхлит асардир. Бинобарин, тест топшириқлари ҳам шаклан ва мазмунан уйғун бўлиши лозим. Санъатдан фарқли уларок, тест назариясида шакл ҳар жиҳатдан мазмунга мувофиқ бўлиши зарур.

МУАЛЛИМ ҚАЕРДА ДАМ ОЛАДИ?

Ёз — дам олишга қулай фасл. Кўпчилик меҳнат таътилини июнь, июль, август ойларига тўғрилаш пайидан бўлади ва бундан улар ютадилар. Соғлиқ оромгоҳ, курорт-санаторий ва профилакторийлар ёзги мавсумда гавжумлашади. Озгина бўлса-да чарчоқ асабларингиз одатдаги юмушлардан, югур-югурлардан холи бўлади.

Ўқитувчининг меҳнати асаб билан боғлиқ. У бир йилда 9-10 ой ақл билан иш юритади. Қолган 2-3 ой эса унинг таътил ойлари ҳисобланади. Хўш, у қандай дам олади? Меҳнат таътилидан қониқадиган имкониятлар борми?

Узбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Иброҳим АБДУҒАНИЕВ мухбиримизга ана шу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Дам олиш жуда кенг маънодаги тушунча. Ҳар кимнинг ҳордиқ чиқариши ҳар хил. Дам олишни қандай ташкил этишдан қатъи назар, кишида ўзи машғул бўлган соҳага рағбат, қизиқиш, қуйиниш кучайиши керак. Шундагина у дам олишни тўғри ташкиллаштирган бўлади...

Ўқитувчилар, педагоглар, олимлар, тарбиячилар — жамиятимиз зиёлиларининг асосий қатламларидан. Улар ўқув жараёнида иш билан банд бўлишар экан, зиёли сифатида йиллик меҳнатларининг чарчоғини оқилона чиқаришлари керак.

Марказий қўмитамиз бевосита таълим ва фан ходимларининг дам олишлари билан шуғулланади, қизиқади. Уларнинг соғлиқларини тиклаб олишларига имконият даражасида ёрдам беради.

Кези келганда айтиш керакки, умумий таълим мактаблари, хусусан, қишлоқ ўқитувчиларининг ёзги меҳнат таътилларини қўнгилли, мазмунли ўтказишларида бир хил манзара кўзга ташланади. Улар соғлиқлари ночорлигига қарамай, дам олишни ғалва соладилар. Болачақа, уйим-жойим дейдилар-да, таътил ойларини бир хил тарзда ўтказиб юборишади. Тўғри, имконият топиб республика миқёсидаги, мамлакатимиздан ташқаридаги курорт-санаторийларда дам олишни мўлжаллайдиган кишилар ҳам бор. Фақат улар саноқли.

Қишлоқлардаги, вилоят марказлари ҳамда Тошкент шаҳри ўқитувчиларининг дам олишларига жиндек бўлса-да ёрдам берадиган малака ошириш институтлари ҳам мавжуд. Нукус, Андижон, Самарқанд, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари базасида 28 та профилакторий ва санаторий ташкил қилинган. Бир йил мобайнида бу жойларда 48-49 минг киши ўз соғлигини тиклайди. Малака оширишга келган муаллим бир вақтнинг ўзида ўша жойдаги профилакторийда дам олиши мумкин. Уларга Марказий қўмитамиз, вилоят касаба уюшмалари қўмиталари томонидан имтиёзли йўлланмалар берилади. Йўлланма нархининг 10 фоизигина тўланади.

Касаба уюшмаси ғамхўр жамоат ташкилотидир. Имтиёзли йўлланмалар тарқатиш, дам олишни тўғри ташкил этишга ёрдам бериш — бош вазифамиз. 1994 йилда таълим ва фан ходимларига бундай йўлланмаларнинг 80 мингтаси берилди. Бу йил эса 55 мингта бериш мўлжалланмоқда. Бозор иқтисодиёти муносабатлари қарор топаётганлиги учун йўлланма нархлари ҳам ошиб бораётир. Шунга кўра, йўлланмалар сони ҳам қисқарди ва талабларга кўра тарқатилади.

Марказий қўмитамизнинг бевосита ташаббуси билан Семашко номидаги санаторийда хўжалик ҳисобидаги бўлим билан шартнома асосида дам олиш ташкил этилган. Утган йили бу ерда 40 нафар Фанлар академиясининг олимлари, жамоат ва фан арбоблари ҳордиқ чиқаришди. Асаб ва юрак-қон томир касалликларига йўлиққан фан ходимларига бу ерда дам олиш учун имтиёзли йўлланмаларни биз берамиз.

Бундан ташқари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчи-педагоглари ўзлари ишлаб турган жойнинг профилакторий ҳамда санаторийларида ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Масалан, ТошДУ, техника дорилфунуни, автомобил транспорти, педагогика институтида, шунингдек, барча вилоятлардаги олий ўқув юртларида профилакторийлар мавжуд. Ҳар йили ёзги мавсумда бу дам олиш масканларида зарурий тиббий муолажа давом этади. Узаро гурунг, дўстлашув ҳам дам олувчиларни бир-бирига яқинлаштиради.

Узбекистон Фанлар Академиясига қарашли алоҳида оромгоҳлар Бурчмуллада (160 ўрин), Сижжакда (80 ўрин) ташкил этилган. Жаннатмакон бу жойларда ҳар йили 500—1000 киши оилавий бўлиб ўз меҳнат таътилини мароқли, эсда қоларли ўтказиши мумкин. Йўлланмалар чегирилган нархда берилади.

Хуллас, жамиятнинг фаол аъзоси — халқ таълими, фан фидойиларининг муттасил ақлий меҳнати, ҳеч бўлмаганда бир ойлик кўнгилли дам олиш билан тўлдирилиши керак. Шундагина уларнинг ишларида унум, оилаларида хотиржамлик, қут-барака бўлади. Биз эса уларга камарбастамиз.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА.

Олтин ёз

РАҒБАТ

ТАЪТИЛ СОЗ ЎТАДИ

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги мактабларда 4.020 ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Туман ўқитувчилари ёзги меҳнат таътилини қандай ўтказади? Бу ҳақда туман халқ таълими бўлими касаба уюшмаси раиси Саттор Алиқулов қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ўқитувчиларимизнинг дам олишини кўнгилдагидек ташкил қилиш учун ҳаракат қиляпмиз. Шу кунларда 20 нафар муаллим «Қашқадарё соҳили» ҳамда «Яккабоғ» дам олиш уйларида ҳордиқ чиқармоқда. 4 нафар ўқитувчимиз «Мироқи» санаторийсида ўз саломатлигини тикламоқда. Кейинги ойларда ҳам вилоятимизнинг ана шу дам олиш масканларида ўқитувчиларимизнинг дам олишлари учун йўлланмалар ажратганмиз.

Шу ой бошларида 60 нафар ўқитувчини Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб бордик. Келгуси ойда эса яна шунча муаллимни Бухорога саёҳатга юбормоқчимиз. Хуллас, муаллимларнинг мароқли дам олиши учун барча шароитларни яратиш диққат марказимизда бўлади.

А. ОБИДДИНОВ,
ўз мухбиримиз.

Ния́т

ҲАР КЎНГИЛДА БИР ИСТАК

Кўпгина ўқитувчилардан, тарбиячилардан шу ҳақда сўрадик. Гарчи саволимиз мазмун-моҳияти жиҳатидан «таътилни кўнгилли ўтказиш»га боғлиқ бўлса-да, жавобан муаллимлар турфа меҳнатнинг номини санадилар. Майли, буям ния́т. Ахир, ўзбекни биласиз-ку. Оиласи, ўзи учун фойдали бирор меҳнатни қойиллатиб бажариб қўйса, (айниқса, қишлоқларда) дам олгандан ҳам масрур бўлади, бу ўзбек. Шу боис «таътилда фалон жойга бориб ҳордиқ чиқаришни» камроқ тилга олади-ю, «уйда озроқ юмушлар бор»лигини такрорлаб тураверади.

Айтганча, ёзги таътил... Бу нафақат болаларга, ўқитувчиларга ҳам тегишли экани маълум. Бас шундай экан, устозлардан ҳам бир оғиз сўраб қўяйлик-да. Хўш, ёзги таътилни Сиз қандай ўтказмоқчисиз?

***

Имомқул ЯХШИБОЕВ, Ғаллаорол туманидаги 33-ўрта мактабнинг чизмачилик ва расм фани ўқитувчиси:

— Бир-икки бош қорамол бор. Қишга хашак йиғиш керак. Ховлида экин-тикин бор. Уларга ҳам ҳали парвариш зарур, яна ул-бул ишлар. Умуман, элнинг гапи билан айтганда, тирик банданинг тирикчилиги битмайди. Қарабсизки, ҳаш-паш дегунча таътил ҳам ўтиб кетади. Уйга фойдамиз тегиб турса, шу бизга таътил.

***

Шоҳиста УСАН қизи, Оққўрғондаги 39-мактаб бошланғич синф муаллимаси:

— Табиатан гўзаллик шайдосиман. Мактабда ҳам ўз синфимни гуллар билан безаш - севимли машғулотим. Таътилга келсак, аввало келгуси ўқув йили учун тайёрланаман, изланаман. Қолаверса... Имконини топсам би-ир тоғлар бағрига чиқиб дам олиб қайтсам эди, деб ния́т қилиб юрибман.

***

Майхон НОМОЗБОЕВА, Қуйи Чирчиқ туманидаги 40-ўрта мактабнинг меҳнат ўқитувчиси:

— Меҳнат фани ўқитувчиси бўлганим бежизмас. Меҳнатдан қочмайман. Айниқса, уй ишларини қунт билан бажаришни яхши кўраман. Таътилда насиб қилса, уйни яхшилаб таъмирлаб чиқишни режалаштириб турибман.

***

Муаззам РАҲИМҚУЛОВА, Қамашидаги Беруний номидаги мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси:

— Яқинда дам олишдан қайтдим. «Мироқи» дам олиш маскани ҳақида аввал эшитган эдим. У ердаги шароит, табибларнинг хушмуомалалиги менда яхши таассурот қолдирди. Фақат бир нарсани қайд этиб ўтиш керак, нархи бир оз қиммат - 3.425 сўм. Яна ошади деган гап бор. Шукрки, туман халқ таълими бўлими касаба уюшмаси ёрдами туфайли йўлланма нархининг атиги 15 фоизини тўладим. Ҳар қалай ҳордиқ кўнгилдагидай бўлди.

***

Ҳазрат ДАВРОНОВ, Касби тумани, Зебуннисо номидаги 36-мактаб директори:

— Тўғрисини айтсам, биз кўпроқ дам олиб даволаниш учун эмас, оромгоҳларга даволаниб дам олиш учун келамиз. Шахсан ўзим ҳар йили таътилда бирон санаторийда даволаниб қайтаман.

Ҳозир «Турон» санаторийсида дам оляпман. Туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси саксон фоиз арзонлаштирилган йўлланма берди. Айтишингиз мумкин: «Сиз ўқув йили тугаши биланоқ дам олишга келибсиз, мактаб таъмири қандай бўлади?» Мактабимиз то мен Тошкентга келгунимча жорий таъмирдан чиқарилди. Янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Лекин ҳар куни мактабни хаёлан бўлса-да, бир қур кўнглимдан кечираман. Биз педагоглар учун дам олиш ўзи доим шундай. Мактабда дам олишни орзу қиламиз, дам олаётиб эса мактабни ўйлайверамиз.

***

Тўлқин АШУРОВ, Қумқўрғон туманидаги 7-ўрта мактабнинг француз тили ўқитувчиси:

— Мен ҳам «Турон» санаторийсида дам оляпман. Ўқитувчилик қилаётганимга тўрт йил бўлди. Шу даврда уч марта дам олиб, даволаниб қайтдим.

Фикримча, ҳар бир ўқитувчи мамлакатимизнинг қайси жойида бўлмасин, дам олгани маъқул. Масаланинг моддий томони бунга монеълик қилмаслиги лозим. Гап иштиёқда. Ўзбек хонадонида бир дам олишга етадиган ҳуда-беҳуда сарф-харажатлар ҳам кам эмаслиги ҳаммамизга яхши маълум.

Муаллимлар ниятларини мухбиримиз И. Бўрибоев ёзиб олди.



Оромгоҳлар сизга мунтазир.

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Каттақўрғон тумани иқтидорли ўқувчилари туман шуҳратини улуғлаётган собиқ ўқувчилари — ҳозирги кунда мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларида ўз билим ҳамда тажрибаларини ёшларга етказаётган олимлар ва раҳбарлар билан А. Дониш номидаги 5-ўрта мактаб боғида учрашдилар.

Учрашувни бошқарган туман халқ таълими бўлими мудири Ф. Муҳаммадиев иқтидорли ўқувчиларни азиз меҳмонлар билан таништирди. Шундан сўнг бевосита мулоқот бошланди.

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Нормуродов, Самарқанд тиббиёт институти профессори Т. Насриддинов, Тошкент давлат педагогика институти профессори К. Раҳимов, Самарқанд давлат университети ҳуқуқшунослик факультети декани К. Назаров, ТошДУ доценти Х. Ҳамроева ва бошқа олимлар болалик ва ўқувчилик йилларидаги хотираларидан сўзлаб беришди. Келажагимиз ворислари бўлган ёшларга самимий истаклар билдирдилар.

Учрашув охирида иштирокчилар мактаб ўқувчиларининг амалий ишларидан ташкил этилган кўргазма ва деворий газеталар кўрик-танловига тақдим этилган ишлар билан танишдилар.

Н. НАРЗУЛЛАЕВ.
Самарқанд вилояти.

«СЕВИМЛИ ЎЙИНЧОҚЛАР» КЎРИГИ

Чироқчи туманида болалар боғчалари тарбиячиларининг «Севимли ўйинчоқлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Туман услубият хонаси раҳбарлиги ва ҳомийлиги асосида ўтказилган ушбу кўрик-танловда Шайман Мавлонов номидаги болалар боғчаси жамоаси I-ўринни, «Ғунча» болалар боғчаси жамоаси 2-ўринни, «Юлдузча» болалар боғчаси жамоаси 3-ўринни эгалладилар.

Ғолиблар фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз.

Қадриятларимиз

МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА ХАЛҚ ҚИЁФАСИ

Ҳар бир мустақил давлат ўз миллий мафкурасига эга бўлгандагина ўз олдига қўйган мақсади, ниятини, режасининг амалга ошишини таъминлайди. Чунки мафкурасиз, маълум асосга эга бўлган ғояларсиз янги жамиятни тасаввур этиш мушкул. Маълумки, янги жамият ўз-ўзидан қарор топмайди. Уни омма эмас, халқ қуради. Унда ғурурли кишилар етакчилик қиладилар. Ғурур эса, маълум дунёқараш ва эътиқодга эга, ўзи ҳамда халқи кимлигини англаган шахсда бўлади. Ўз навбатида бу туйғу ҳам ўз-ўзидан эмас, балки маълум бир тарихий ва инсоний қадриятлар асосида юзага келади.

Собиқ социалистик жамиятнинг тоталитар режими миллий халқларнинг ҳудди ана шу қадриятларни ўрганишга, ўзлаштиришга, унинг заминидаги ғояни англашга шовинистик характерга эга бўлган байналмилалчилик сиёсати ниқоби остида монелик қилди. Оқибатда халқ миллатни шакллантирувчи ва моҳиятини белгиловчи омиллардан бехабар бўлди. Унга интилган шахслар миллатчи сифатида қораланди ва жазоланди. Пировардида миллат ўз қиёфасидан бутунлай маҳрум бўлиш даражасига келиб қолди.

Хўш, миллатни шакллантирувчи ва унинг моҳиятини белгилаб берувчи омиллар нималардан иборат?

Халқимизнинг азалий қадриятларини синчиклаб урганганимизда, уларда фалсафий-назарий фикрлар халқ ҳаёти, турмушининг асослари билан омухталашиб кетганлигига гувоҳ бўламиз. Олам ва инсоният ҳақида фикр юритувчи муқаддас «Овесто» китобидан тортиб «Қуръон» ва Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий», Ҳусайин Воиз Кошифийнинг «Анворий Сухайли», «Рисолати Ҳотамия», «Ахлоқий Муҳсиний», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул — ҳақойиқ»ида, Жомий, Навоий ва Октябрь тўнтаришигача бўлган даврларда ёзилган асарларда бу хусусият яққол кўзга ташланади. Улар инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида ва ўз қиёфасига эга бўлишида, ўзлигини англашида жуда қўл келади. Масалан, «Овесто» китобида «...ерга яхши соғлом уруғлар сепишдан ортиқ савоб иш йўқ», — дейилади. Унда ёзилишича, экин экиш ердаги барча ёвуз кучларга қарши курашмоқ ва унга барҳам бермоқдир. Олам ғўзаллиги деҳқондан, деҳқончиликдан... Кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка имон келтиради, ягона шу йўлгина ҳақиқат бўлиб, қолгани саробдир». Яна бир ўринда эса: «Бўғдой ўстирила бошласа, девларни тер босади; соврилган бўғдой тайёр бўлса, девлар заифлашиб қолади. Ун тайёр бўлгач, девлар нолаю фиғон чекишади... Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим. Бу овқатни одам егандан сўнг, девлар жуда қизишиб кетади ва қоча бошлашади». Қаранг! Инсонни эзгуликка даъват қилиш баробарида, иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлишга ҳам ундаяпти. Ҳақиқатан ҳам иқтисодий жиҳатдан тўқ одам журъатли бўлади. Чунки унинг қалби мутлақ руҳиятидан холи бўлади. Иккинчидан, меҳнат қилган киши эзгуликка мойил ва унинг қалби ўз даласидек кенг ҳам бўлади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Тўғри, ҳозирги материализм руҳида тарбия тўпган кўпгина шахслар бу фикрни бир афсона деб, лаб буришлари мумкин. Лекин гап афсонада эмас, унинг заминида етган фалсафада, унга амал қилишда, руҳий ва маънавий жиҳатдан баҳраманд бўлишдадир.

Мозийда бунга ишонганлар. Сабаби диний асосга қурилган китоблар уларни шу руҳда тарбиялаган. Совет даврида эса бизни материалистик руҳда тарбиялаб, бундай ишончдан маҳрум қилишди. Оқибатда кишиларда на диний асосларга, на коммунистик партия сиёсатига эътиқод қўйилди. Маълумки, ҳеч нарсага эътиқод қўймаган киши ўз жамиятига ҳам, Ватанга ҳам меҳр қўймайди. У ҳаётда ўзини омонат билади. Омонат яшайдиган одам эса ҳамма нарсага лоқайд қарайди. Лоқайдликнинг ҳосиласи эса шафқатсизлик, субутсизликдир. Бу борада таниқли рус ёзувчиси Валентин Распутин шундай ёзади: «Материализм кишини шафқатсизлик ва ҳиссиз-лик саҳроси, идеализм эса раҳм-шафқат ва ҳамдардлик гулшани томон етаклайди». Миллий мафкура эса «ҳамдардлик гулшани томон» юрмоғи даркор. Чунки унинг туб асос замини шундайдир.

Яна мисолларга мурожаат қилайлик. «Овесто»да қуйидагиларни ўқиймиз. «Ёмон овқатланган халқ на яхши, на кучли ишловчиларга ва на соғлом, бақувват болаларга эга бўлади. Ёмон овқатланишдан одоб-ахлоқ ҳам айниб кетади. Агар қон мўл-кўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул қилинади». Юзаки қараганда, бу жуда содда, жўн ўгитга ўхшайди. Лекин мушоҳада билан ёндашилганда унинг заминида жуда катта ҳақиқат борлиги англашилади. Бу, менимча, К. Марксннинг «Олдин иқтисод, кейин сиёсат», — деган сўзидан устунроқ ва таъсирчанроқдир. Чунки бу фикрда икки жараённинг бир-бирига боғлиқлиги таъкидланяпти. Яъни иқтисодни ривожлантирмай туриб, маънавий камолотга эришиб бўлмайди, маънавий камолотга эришмай туриб, иқтисодни ривожлантириб бўлмайди. Марксннинг назариясида эса бу жараён бир-биридан ажраб қолган. Яъни иқтисодни ривожлантириб, кейин сиёсат — маънавиятга эътибор бериш керак. Бунинг ўнчалик тўғри эмаслигини тарих исботлади. Демак, Шарқ фалсафий қарашлари, назарий хулосалари ҳақиқатга яқин. Бу миллий мафкуранинг фалсафий илдизлари ниҳоятда ҳаётий ва инсонийлик билан йўғрилганини курсатиб турибди.

Миллий қадриятларнинг энг асосий манбаи бўлган «Қуръон»ни кўздан кечирар эканмиз, ундаги илгари сурилган фикрлар ўзининг ҳаётбахшлиги билан миллий мафкуранинг ғояси, йўналиши, асосий мақсади нимага қаратилиши, нимани тарғиб қилиши лозимлигини курсатиб турган тайёр дастуруламалдай туюлади. Масалан, «Нур» сурасида жамиятни фисқу фасоддан тоза тутиш ғояси илгари сурилса, «Ҳужрот» сурасида эса гийбат қилмаслик, кишиларни бир-бири билан ориштирмаслик, башарти, шундай қилинса, унинг боқий дунёдаги олажак жазоси хусусида фикр юритилади. Мана, сурада нима дейилади: «Эй мўминлар, бир қавм бир мўмин қавмдан масхара этиб кўлмасин — эҳтимолки, улардан яхшироқ бўлсалар... Узларингизни мазах қилманглар ва бир-бирларингизга лақаблар ташламанглар. Иймондан кейин фосиқлик билан номланиш нақадар ёмондир! Ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар золим кимсаларнинг ўзидирлар. Жосуслик қилиб юрманглар ва айримларингиз айримларни гийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми? Ана, ёмон кўрдингизми!» Демак, гийбат қилишлик инсоннинг гўштини ейиш билан баробар. Бу гаплар ўйлаймизки, барчани хушёр торттиради ва ўз хатти-ҳаракати хусусида мулоҳаза қилишга ундайди.

Умуман, «Қуръон», «Ҳадислар» ва бошқа диний-фалсафий асарларни кўздан кечирганда, уларда илгари сурилган инсоний ҳамда маънавий камолотга етказишга хизмат қиладиган назарий-амалий фикрлар билан бир қаторда, ҳалолликка, узганинг ҳақини емасликка ва унга ҳиёнат қилмасликка даъват этишиҳ сезиш қийин эмас. Бу муҳим масаладир. Чунки ҳаётдаги ва жамиятдаги ярамас иллатлар — порахўрлик, диёнатсизлик, жамият, Ватан манфаатини эмас, фақат ўз манфаатини ўйлаш, бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмаслик эътиқодсизликдан бошланади.

Чет элда икки йил ишлаб келган қадрдонларимдан бири шундай ҳикоя қилиб берганди:

— «Бирорта боғнинг атрофи тусилмаган. Апельсин, мандаринлар ерга тукилиб етади. Атрофида оч, оёқлари чиллаклек ингичка болалар ўйнаб юради. Лекин биронтаси битта мевани олиб емайди. Бersангиз раҳмат айтиб олишади. Бир куни бекорга тукилиб етибди-ку, нега уларни олиб емайсизлар, деб сурадим. Суроқсиз бировнинг нарсасини олиб ейиш гуноҳ, деб жавоб беришди».

Турмуш ўртоғи билан араб мамлакатларининг бирида ишлаб келган институт ўқитувчиси шундай яна бир воқеани сўзлаб берганди:

— Иш контрактимиз тугаган. Қайтишга патта ҳам олиб қўйганмиз. Жамғармамизнинг барчасини олиб, ул-бул олгани бозорга тушдик. Бир-икки кийимлик олиб, уйга қайтгач, кеч бўлганда пул солинган сумкачам йўқлигини сездим. Кечаси билан қаерларда бўлганимни эслаб чиқдим. Эрталаб туриб кирган магазинларимдан ноумид шайтон деб суриштирдим. Натижасиз чиқди. Бутунлай умидни узиб, эртаси куни турмуш ўртоғим иккаламиз шерикларимиз билан хайрлашиш ва пича қарз олиш ниятида улар яшаётган кварталга бозор орқали утиб кетаётсак, биров «Ҳой, соҳиб», — деб чақиргандай бўлди. Орқага қарасак, бир киши сумкачамни қўлида баланд кўтариб, силкитиб бизни чақираётган экан. Олдига борсак, икки кун илгари бизга мато сотган киши экан. «Мен сизларни икки кундан бери кутяпман. Растада қолдириб кетганингизни кейинроқ билиб қолдим,— деб сумкачамни қайтиб берди. Ҳаммаси бут. Суюнчисига 100 Америка доллари берсам олмади. «Бу ерда менинг ҳеч қандай хизматим йўқ. Инсоний бурчимни бажардим, холос. Бурч учун эса ҳақ олинмайди»,— деб жавоб берди.

Мазкур ҳодиса, албатта, халқнинг қиёфасини белгилайдиган юксак инсоний фазилатдир. Бундай фазилат, туйғу қандай пайдо бўлади? Албатта, азалий инсоний қадриятлар тизими асосида етган фалсафий дурдоналарни қалбига сингдириши асносида юзага келган мафкура заминидан туғилади.

Бу ҳолатларнинг гувоҳи бўлгач, ҳозирги кунда содир бўлаётган ҳодисалардан кўнглингиз чўкиб, уятдан юзингиз қизариб кетади. Чунки ҳеч бир халқда дарвозаси олдида ҳосил бериб турган дарахтни шох-похи билан арралаб кетмаган бўлса керак. Афсуски, икки йилдан бери Тошкент шаҳрида шундай ҳодиса юз беряпти. Лекин уйлаб қолдиз. Ахир, қадимда, тўғрироғи Россия Урта Осиени забт қилгунча, Октябрь тўнтаришигача юртимиз аҳли ўртасида ўта ҳалоллик бўлган. Бунга қариялариимиз жонли гувоҳдир. Дуконларда қулф-калит бўлмаслиги, бозор расталаридаги моллар очиқ, устига бир чий ташлаб қўйилган ҳолда кечалари қола бериши тарихий далил. Ҳозир нега унинг акси? Бунга бир сўз билан жавоб бериш мумкин. Сабаби миллий қадриятлардан узоқлашиш пировардида миллий мафкурадан маҳрум бўлиш оқибатидир.

Демак, халқимизни азалий қиёфасига, ҳатто ундан устун маънавий камолотга эришмоқ учун миллий қадриятларнинг моҳиятини теран англатиб, шуурлари ва қалбларини миллий мафкура билан тўйинтирмоқ даркор. Яъни Президентимиз И. А. Каримов айтганларидек: «Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат туйғуларини сингдириш лозим». Бу борада олимларимиз билан бир қаторда, адибларимиз ҳам етакчилик қилмоқлари жоиз. Ана ўшанда халқ ўз миллий мафкураси — қиёфасига эга бўлади. Бунга Президентимиз фармони билан ташкил этилган Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази муҳим ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Ҳакимжон КАРИМОВ,
филология фанлари доктори.

«СОҒЛОМ АВЛОД ҮЧҮН»

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ хўжалик вазирликлари, Давлат спорт қўмитаси, Республика болалар жамғармаси, Республика хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Наврўз» хайрия жамғармалари, халқ таълими ва фан ходимлари, Агросаноат комплекси ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмиталари, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги таълим-тарбия муассасалари ва ёшлар ишлари бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги таълим-тарбия муассасаларининг ўқувчиларини тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган, болалар овқатланишини тўғри ташкил этиш, уларнинг касалланиши олдини олиш чораларини амалга ошираётган боғчаларни аниқлаш ва илғор иш тажрибаларини оммалаштиришдир.

Республикадаги етакчи мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари кўрик-танловга тақдим этилган ҳужжатлар, болалар муассасалари ҳаёти, иш тажрибаси акс эттирилган видеолавҳаларни атрофлича муҳокама қилиб, уч йўналиш бўйича кўрик-танлов ғолиблари ва совриндорларини аниқладилар.

Корхоналар қошидаги болалар боғчалари орасида Қарши шаҳридаги «Шўртангаз»га қарашли Нодира номидаги болалар боғчаси биринчи ўринни олди. Навоий шаҳридаги «Навоиазот» корхонасининг 2-«Турнахон» болалар боғчаси иккинчи ўрин соҳиби бўлди.

Шаҳар болалар боғчалари орасида Самарқанд шаҳридаги 72-«Семурғ» болалар боғчаси кўрик-танлов ғолиби бўлди.

Иккита 2-ўрин Нукус шаҳридаги 5-«Улыбка» («Табассум»), Жиззах шаҳридаги 39-«Наврўз» болалар боғчаларига, иккита 3-ўрин Гулистон шаҳридаги 31-«Қувонч» мактаб-боғча мажмуи ҳамда Бухоро шаҳридаги 61-«Лайлакча» болалар боғчаларига берилди.

Қишлоқ болалар боғчалари орасида Тўрақўрғон туманидаги 25-«Умид» болалар боғчаси иши биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Кўрик-танлов ғолиблари ва совриндорлар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг дипломлари, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Мухбиримиз.

Янги китоблар

ТАЛАБАЛАР УЧУН

Г.Асанов, М.Набихонов, И.Сафаров ҳаммуаллифлигида «Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси» қўлланмаси қайта нашр қилинди. Қўлланма педагогика олий ўқув юртларининг жўғрофия, жўғрофия-биология факультетлари талабалари учун ўқув дастури сифатида тасдиқланган.

Китобда Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши, унинг иқтисодий-жўғрофий ўрни, табиий ресурсларининг хўжалик аҳамияти, аҳолининг ўсиш суръати, саноати, транспорти, қишлоқ хўжалиги, қурилиши ва иқтисодий районлари, маъмурий-ҳудудий бўлиниши, ташқи иқтисодий алоқалари таҳлил этилган.

Китобдаги ҳар бир бобда янги маълумотлар, жадваллар, чизмалар, хариталар мавжуд. Бу эса талабаларнинг Ватанимиз ҳақида кўп ва бой маълумот олишларига ёрдам беради.

Хариталарни география фанлари номзоди Т. Мирзалиев таҳрир қилган. Умуман, қўлланма нафақат талабалар ва ўқувчилар учун, балки педагог ва ўқитувчиларни ҳам кўпгина маълумотлар билан таништиради. Бундан фойдаланган ўқитувчиларнинг ҳар бир машғулоти самарали ва мазмунли бўлади.

Н.ҚУРБОНОВ,
«Халқ таълими» журнали масъул котиби

СПОРТ БАЙРАМИ

Тошкентдаги мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний камолотга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган ҳафтада шаҳардаги энг сўлим ороғоҳлардан бири — Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида ўтган «Соғломжон — полвонжон» дастуридаги спорт байрами чинакам шодлик тантанасига айланди.

Спорт байрамининг тантанали очилишида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев бу тадбир ҳар томонлама баркамол, соғлом авлодни тарбиялаш омили бўлиб қолишига ишонч билдирди.

Икки қисмдан иборат спартакиада дастурига кўра кичкинтойлар тсатрлашган томошалар кўрсатишди. Биз боғча болаларининг спорт билан боғлиқ жозибали саҳна кўринишлари, кичик полвонларнинг каратэ, таэквандо бўйича чиқишларини, чиройли рақс ва қўшиқларни томоша қилдик.

Спорт байрамининг иккинчи қисмида гимнастик машқлар, вслосипед пойгалари ва эстафсталар, кичик қўл тўпи ва волейбол мусобақалари, «Онам, отам, мен — биз спортчилар оиласиданмиз!» беллашувлари каттаю кичик эътиборини жалб этди.

Мусобақада Акмал Икромов туманидаги 453-болалар боғчаси спартакиада чемпиони бўлди. Мирзо Улуғбек туманидаги 193-болалар боғчаси — иккинчи, Шайхонтоҳур туманидаги 197-болалар боғчаси — учинчи, Чилонзор туманидаги 204-болалар боғчаси тўртинчи ўринни эгаллади.

Мухбиримиз.

Назм дафтаридан

Муззаффар АҲМАД

УЛУҒ РУҲЛАР

Улуғлар, узбекнинг улуғ руҳлари,
Сизларсиз юрт қачон фараҳга тўлди?
Босиларми дея дил андуҳлари,
Бугун сизни ёдлаб шеър айтгим келди.

Улуғлар, халқимнинг шаён фарзандлари,
Адибсиз, шоирсиз, олимсиз нодир.
Сизга озиқ бўлди узбек дардлари,
Шул дардларни эмиб бўлдингиз кабир.

Нур сочиб ўтдингиз фоний дунёдан,
Биз сизларни тез-тез соғинадирмиз.
Расмингизга боқиб, ёдлаб дамодам,
Руҳи покингизга сиғинадирмиз.

Кўзингизда кўриб тубсиз ғам, ҳасрат,
Сийнани ғажийди пушаймон — юҳо,
Безовтамасмисиз, Қодирий ҳазрат,
Эй, пешонамизга сиғмаган даҳо?

Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбеклар,
Чекингизга тушди энг ғаюр зиндон.
Улуғлар — фидойи, содиқ узбеклар,
Сақлаб қололмадик сизни қирғиндан.

Сизнинг қисматингиз туфайли, ҳамон
Авлодлар олдида шувутмиз, радмиз.
Қонсираган замон сўраганда қон,
Сизни қурбонликка чалган миллатмиз.

Буюк Навоийнинг буюк шогирди,
Тафаккур боғинда бир дурри ятим,
Маломатни сизча яна ким кўрди —
Муҳтарам аллома — Ойбек ҳазратим?

Навқирон Олимжон, эй сўнмас илҳом,
Даре каби уйғоқ, мангу бедорсиз.
То барҳаёт экан баҳорий айём,
Сиз ҳам барҳаётсиз, тириксиз, борсиз!

Улуғлар, узбекнинг улуғ руҳлари,
Бахши боболарим — ботир, чечанлар.
Номингиз улуснинг кўрки, ғавҳари —
Эргаш, Фозил, Ислом, Аҳмад, Пулканлар!

Эй руҳи покиза, эй илми ҳалол,
Узбек диёрида порлаган ёқут,
Сиздан баҳра топлик Улуғбек мисол,
Озарий сандувоч — Шайхзода Мақсуд!

Закий Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор,
Узбекнинг хислатин орттирган зотлар.
Сўнмас кулгингизнинг ҳамон тафти бор,
Эл-юрт ҳамон эслар, завқ билан ёллар.

Улуғлар даврасин қилган сайин ёд,
Кўнгилни чароғон айлар ҳар дафъа —
Заҳматкаш муаррих — Миркарим устод,
Уйғун, Миртемир ва Саида опа.

Воҳа шоирлари — сиз соҳиби ихлос,
Табаррук юрт сизни эслайди албат.
Хотирангиз мангу ёддадир, устоз —
Эгам, Чокар, Раҳим, Партавий, Рўзмат...

Улуғлар, узбекнинг улуғ руҳлари,
Мирзакалон, Шуҳрат, Раҳмат Файзийлар.
Сизнинг қисматингиз эслаган сари
Буюк армонлардан юрак эзилар!...

Замон гирдобинда айланганда бош,
Қўлдан кетар экан ақлнинг изми.
Қабрингизни топтаб, отдилар-ку қанча тош,
Шароф ота, уларни кечирдингизми?

Ғаддор ношукурлик меросми, ёраб,
Саловотга уймоқ бизга дим қийин,
Тиригида қадрин билайлик, ажаб,
Оҳ тортиб юрмайлик ўтгандан кейин.

Шундан-ов пушаймонлар, армонлар, додлар,
Шундан суяк сўрар надомат, қусур.
Имдод йўлланг бизга, улуғ аждодлар,
Қалбимиз ёритсин сиз таратган нур.

Нур ва имдод йўлланг шул Ватан сари,
Сахий хизматингиз топгуси барҳақ.
Улуғлар, узбекнинг улуғ руҳлари,
Сизлар бўлмасангиз — бўлмас эдик халқ!..

АССАЛОМ

Салом омон бўлса, омондир ҳурмат,
Мангу эгизакдир шу икки калом.
Сен билан бир йўлда дуч келган фурсат
Мулойим овозда дединг:
— Ассалом...

Майлига, нотаниш ё таниш эдинг,
Исминг ҳам ё Дилбар, ё Раъно, синглим.
Менга одоб билан «Ассалом!» дединг
Осмондай поёнсиз қувончга сингдим.

Кўнглимдан ювилди бору йўқ ғубор,
Кўзимни порлатди шу салом тафти.
Сабабки, сен менга бердинг эътибор,
Эҳтимол, бугунги куним дўст топди.

Сен-ку кетавердинг ўз йўлинг бўйлаб,
Ҳар қалай, қуйчиман, қололмадим жим.
Шу оддий, шу буюк сўз қадрин ўйлаб
Равон мисраларга оқди хаёлим...

Ҳатто жонворлар ҳам салом мисоли
Бир-бирин ҳидлайди илк учрашганда.
Айтайлик, дуч келса икки чумоли,
Бир лаҳза тўхтайди ҳол сурашгандай.

Ассалом! Қуёшдай иссиқ, аъло сўз,
Кундалик турмушнинг даставвал гапи.
Ассалом! Ҳаётдай ширин талаффуз,
Тинчликнинг энг содда рамзи, талаби.

Ассалом! Нур каби ёрқин, чароғон
Кўнгиллар табриги, дўстлик жарчиси.
Ассалом! Балки у қалбдаги пинҳон
Маъсума севгининг илк хабарчиси.

Шу сўз бор, яшариб боради дунё,
Шу сўз бор, турмуш ҳам фаровон, обод.
Ёраб, кўрсатмасин бу жаҳон аро
Саломсиз қолганин тирик одамзод.

Товланарми турфа ранг билан олам,
Турмуш бўлармиди, ахир, чиройлик, —
Гар инсон инсонга бермаса салом,
Гар икки уртада бўлмаса алик.

Йўқ, гина айтмасман шеър баҳонада,
Агарчи бу гапим аразга монанд;
Кўрнамак бўлмасми, ота-онага
Салом бермай қўйса нон-тузли фарзанд?

Уйлайман: қанчалар маломат, дашном,
Қанча худпарастлик, қанча манманлик, —
Кичиклар каттага бермаса салом,
Катталар кичикка олмаса алик...

Майли, умр кўрсин ҳар бир сўз тугал,
Ҳар куни айтилсин минг маъно табрик.
Ва лекин баридан, баридан аввал
Яшасин, АССАЛОМ!
Яшасин, АЛИК!

Бири кам дунё

92 ЯШАР ЧАҚАЛОҚ

Мутахассислар фикрича, инсон организми икки аср бетўхтов ишлаши мумкин экан. Лекин, ҳаётда ҳали ҳеч ким бу ёшга етган эмас. Туғриоғи, етган бўлса ҳам, аниқ бир маълумот йўқ.

Собиқ СССРда энг узоқ умр кўрган киши доғистонлик Шерали Муслимов бўлиб, у 1973 йилда 168 ёшида вафот этган. Қизиғи шундаки, 136 ёшида қайтадан уйланган отахон яна фарзанд кўради...

Баъзи мутахассислар, инсон организми юз ёш арафасида янгитдан жонланади, дея ҳисоблашади. Хитойлик Йянг Айцхенда содир бўлган ҳолат бу фикрни тасдиқлайди, ҳар ҳолда. У 70 ёшида ҳамма тишларидан айрилади. 92 ёшида милклари оғрий бошлаган кампирнинг оғзини текшираётган врачларнинг ҳам оғзи очилиб қолди: милкда янги тишлар ниш ураётган эди.

Одам қариса, чақалоқ бўлади, дейишарди. Бу гапнинг биз ўйлагандан кўра бошқа жиҳатлари ҳам борга ўхшайди.

ЯШАШ УЧУН КУРАШ

Перм вилоятида донорларни тинчитиш учун омончиларни чақиришга тўғри келяпти. 300 грамм топширилган қон учун 24 минг, тушлик учун яна 4 минг рубл тўланади. Ойлик иш ҳақлари ўз вақтида берилмаётган ҳозирги шароитда бу осмондан тушган эҳсон кабидир.

Шу боис, ишчилар тиббиёт шохобчаларида соат олтидан навбатда туриб олишади. Врачлар келгач эса, ур-сур, тўполон бошланиб кетади. Ҳарҳолда, қон топшириб бўлса ҳам яшаш керак-ку.

ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

Яқин ўн йил ичида Ер курраси аҳолисининг даромади йилига 1,9 фоиз ошади. Жаҳон банки билимдонлари шундай хулосага келишди. Лекин айрим мамлакат ва ҳудудлар 2004 йилгача ҳам ҳозирги ичкадай чўзилаётган инқироздан чиқишолмайди. ЖБ кузатувчилари бундай мамлакатлар сирасига кўплаб шўро республикаларини ҳамда Африка ва Яқин Шарқ давлатларини киритишмоқда. Шу давр мобайнида Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари, жумладан, Хитой ва Жанубий Корея аҳолиси даромадлари анча салмоқли бўлади. Утган йили Японияда даромад одам бошига 23943 долларни ташкил этган бўлса, бу миқдор йилига 3,1 фоизга ошиб боради. АҚШда эса бу ўсиш анча секин — 1,5 фоиздан иборат бўлади.

ЎЗ УЙИНИ ЎМАРДИ

Ленанинг яшаш тарзи кўпчилик ёшларникидан унчалик фарқ қилмасди: дўстлар даврасида, ичкилик, фаҳш, гиёҳвандлик. Лена булар теварагида анча пайтгача тараллабедод қилиб юрди. Лекин, бир куни дўстлари айниб қолишди. Шунча муддат «боққанлари» эвазига бирор-бир бойроқ хонадон топишни буюришди. Лена «кўз остига олиб қўйган» уй адресини уларга берди. Дўстлари қора ниқоблар кийиб олиб, уй эгасини қўрқитиб, хонадонни шип-шийдон қилиб кетишди. Воронежлик милиция ходимлари ўғриларни ушлашди. Одатдаги ўғрилик, бунинг нимаси ғаройиб, деб ўйларсиз? Тўғри, фақат бир ҳолатни ҳисобга олмаганда — Лена дўстларига берган адресдаги хонадонда... унинг онаси яшар эди.

САДОҚАТ

Шукрлар бўлсинким, анъаналаримиз, миллий қадриятларимиз, шарқона удумларимиз қайтяпти. Ўтган йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши ҳам болапарвар, оилапарвар биз — ўзбеклар учун алоҳида аҳамият касб этди. Чунки ҳар бир ўғил-қизнинг билимли, ҳунарли бўлишида, аввало, ота-она масъулияти улкан.

Буни дилдан ҳис этиб, бола тарбиясига алоҳида эътибор бераётган оилаларни кўриб беихтиёр ҳавасинг келади. Шайхонтоҳур туманидаги Марказ-14 даҳаси 5-уйда истиқомат қилаётган Юсуповлар хонадони шулар сирасига киради.

Оила соҳиблари Анвар ака ва Озода опа доимо хушрўй кўринишади, суҳбатлашганда тилларидан бол томади, дилингизга йўл топиб, ҳолаҳволингизни сўраганларида жонингизга жо бўлиб кетадилар.

Оилада осойишталик, хотиржамлик бўлгандагина аъзолари ҳам шу уйга тезроқ етиб келишига интиладди. Озода опани ё мактабга шошиб кетаётганини ёки уйга тезроқ етиб олсам деб орзиқиб келаётганини кўраман. Бу — уй юмушларини эртароқ бажарсам, фарзандларим оғзига бир қошиқ овқат тутсам, уларнинг тарбияси билан шуғуллансам дегани эмасми? Илоҳим, кўз тегмасин, фарзандлари тинибтинчиган — ўғил уйлантириб, икки қиз узатишган. Шириншакар неваралари бор. Уларнинг эл олдига ёзган дастурхонларида ҳам тўкинчилик руҳи сезилиб туради. Озода опа қўни-қўшнилар билан аҳил, яқин кўмакчи, маслаҳатгўй.

— Анваржоннинг оиласига ҳавас қиламан, — дейди маҳалла аёлларидан, «Ғунча» журналининг бош муҳаррири Йўра Саъдуллаева. — Унинг маҳалла тўйларига бошқош бўлиб, тўйни очиб, даврани бошқаришига, кўпчилик олдида ёруғ юз билан маърифий суҳбатлар қуришига ҳам аввало оиласидаги узаро ҳурмат, маҳалла аҳли ўртасидаги обрўси ҳуқуқ бераётгани.

Ота-онанинг ўзаро ҳурматэътибори, муомаласи болаларга ҳам ўтган. «Арқоғини кўриб бўзини ол, онасини кўриб қизини ол» деганларидек қизлари ҳам муносиб жойларга тушишиб, чиройли тўйлар қилишган.

Озода опанинг назокатли аёл бўлишида оналари — Инобат аянинг ҳиссалари бебаҳодир. Инобат ая жуда ҳам дилкаш аёл. Оилага садоқатни шу аёлдан ўрганиш мумкин.

Эшитишимча, Инобат ая 18 ёшларида турмуш ўртоқлари урушга кетиб, қайтиб келмаган. Отаси Озодани ҳаттоки бирон марта қучиб, бағрига босмаган. Ана шу яккаю ёлғиз фарзанди билан қолиб, турмуш ўртоғига бир умр вафою садоқатни асрабавайлаб келадилар.

Онанинг ёлғизимдан кўпаяй, деган орзулари рўёбга чиқди. Неваралари — Зулфизар Тошкент тиббиёт институтини тамомлаган, Сарвар тўқимачилик институтининг VI курс талабаси, Гавҳар — политехникумни тамомлаб, 46-билим юртида дарс беряпти. Ҳулкар — тикувчи, Санжар — 9-синф ўқувчиси, Келинлари Дилбар педиатрия илмий текшириш институтида илмий ходима. Шунча невараларнинг вояга етишида жонини фидо қилган Инобат ая эваралари — Лобар, Зулайҳо, Зебо, Ферузаларнинг ҳам суюкли бувисидир.

— Озодани ҳар томонлама етук инсон деб биламан. У аёл, она, уй бекаси сифатида барча-юмушларга улгуради. Озода билимдон, тадбиркор муаллима ҳамдир. Утган йил 50 ёшга тўлиб, нафақага чиққан бўлса ҳам ўқувчиларга таълим-тарбия беришда шогирдларига ибратлидир, — дейди Собир Раҳимов туманидаги 224-мактаб директори Муниса Неъматова.

Мактабда кўп йиллар мобайнида методбирлашма бошлиғи, катта ўқитувчи сифатида ўқувчиларнинг таълим савиясини ошириш борасида нималарга эътибор бериб келяпсиз, деган саволимизга Озода опа шундай жавоб берди:

— Менинг учун таълим-тарбияни эт билан тирноққа қиёслаш тўғри бўлади. Таълим берсагу тарбия бўлмаса ёки тарбияни ўрнига қўйиб, таълим сусайса... Менимча, тарбиялаб туриб таълим бериш устивордир. Бу йил 1-синф ўқувчиларини ўқитдим. Улар 28 нафар. Ҳар бир ўқувчи ҳамиша кўз ўнгимда. Уларнинг ўқиши, синфдан ташқари ишлари доимо назоратимда. Ҳаттоки, ҳамма ўқувчиларимнинг оила шароити билан шахсан танишман. Дарсларнинг қизиқарли, тушунарли, таъсирли бўлиши учун кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар, бадиий ва техник воситалардан кенг фойдаланаман. Қизиқарли, мазмунли ўтилган дарс ўқувчиларни сира ҳам лоқайд қолдирмайди. Ҳуллас, мен ўзимни мактабсиз, болаларсиз тасаввур қилолмайман.

— Анваржон ва Озода-хонлар оиласини маҳалламизда кўпчилик ҳурмат қилади, — дейди маҳалла оқсоқоли Вали ака Зарипов. — Анваржон маҳалла фаоли сифатида ҳамма тадбирларимизда иштирок этиб, сидқидилдан хизмат қилади. Озодахон келинимиз эса зиёли аёл, меҳрибон она, яқин маслаҳатчи сифатида маҳалла аёллари орасида обру қозонган.

Шундай оилалар ҳамиша бор бўлсин!

Дилбар ХЎЖАЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ Т. Н. ҚОРИ-НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

1995 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун қуйидаги ихтисослар бўйича аспирантурага қабул эълон қилади:

— педагогика назарияси ва тарихи (13.00.01);

— мактабгача тарбия назарияси ва методикаси (13.00.01);

— бошланғич таълим назарияси ва методикаси (13.00.01);

— ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);

— тарих ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);

— биология ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);

— география ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);

— тасвирий санъатни ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);

— физика ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);

— математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);

— рус тили ва адабиёти ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);

— жисмоний тарбия, спорт машғулотлари ва соғломлаштирувчи жисмоний тарбия назарияси ва методикаси (13.00.04);

Аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, фалсафа ва чет тилларнинг биридан олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Танлов имтиҳонларига ихтисос бўйича камида икки йил амалий иш тажрибасига эга бўлганлар, шунингдек, бевосита олий ўқув юртини битирган ёш мутахассислар фақат олий ўқув юрти (факультет) олимлар кенгаши тавсиясига кўра қўйиладилар. Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 30 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 35 ёшгача бўлган мутахассислар қабул қилинади.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисидаги институт директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, илмий мақолалар рўйхати ёки реферат, бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг аспирантурага тавсия этилган шахслар учун олимлар кенгаши йиғилишининг қайдномасидан кўчирма, меҳнат дафтарчаси, 2 дона сурат (3x4 ёки 5x6 см ҳажмда), номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлса, белгиланган шаклда гувоҳнома.

Ҳужжатлар эълон чиққанидан сўнг 30 кун давомида қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700003. Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй, УзПФИТИ, аспирантура бўлими.

ОРИПОВА Луиза Набиевна

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти жамоаси Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғининг муовини, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори Л. Н. Орипова бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади.

Л. Н. Орипова 1937 йилда Андижон шаҳрида туғилди. Педагоглар оиласида улғайди. Луиза Набиевна Орипова Тошкент давлат университетида таҳсил олгач, ўз меҳнат фаолиятини 1962 йилда Тошкент ҳисоб-бухгалтерия техникумининг тарих ўқитувчиси сифатида бошлади. 1976-1986 йиллар мобайнида Тошкентдаги 223-мактаб директори лавозимида ишлади. 1986 йилдан умрининг охиригача Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтига раҳбарлик қилиб, ўзининг ташкилотчилиги, педагогик иқтидори билан обрў-эътибор топди. Касб фаолиятини жамоатчилик фаолияти билан моҳирона узвий боғлаб олиб борди.

Л. Н. Орипова бир неча йиллар давомида Фрунзе тумани халқ депутатлари Кенгаши аъзоси ҳамда Куйбишев туман партия қўмитаси аъзоси сифатида халқ таълими тизимини такомиллаштириш, маориф ходимларининг моддий шароитларини яхшилаш каби ишларда жонбозлик кўрсатди.

Унинг хизматлари давлат томонидан тақдирланган. У «Халқлар дўстлиги ордени», «Оналик шарафи», «Меҳнат фахрийси» медаллари, «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси», «Халқ таълими фидойиси» нишонлари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

Л. Н. Орипова ҳамкорлик педагогикаси борасидаги янгича ғоялар, халқ таълимини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштиришнинг тарғиботчиси эди. У қайси лавозимда ишламасин, юксак касбий маҳорат, инсонийлик, гамхўрлик унга ҳамиша ҳамроҳ эди. Луиза Набиевна сиймосида Тошкент шаҳри маорифчилари ҳақиқий устоз, чин инсон, содиқ дўстларни ҳамиша хотирлайдилар.

Л. Н. Орипованинг ёрқин хотираси қалбимизда доимо сақланади.

БИР ГУРУҲ ҲАМКАСБЛАРИ.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг халқ таълими бош бошқармаси, фан ва халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси, ўқитувчилар малакасини ошириш институти Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори

Луиза Набиевна ОРИПОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти жамоаси Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори

Луиза Набиевна ОРИПОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«МАЪРИФАТ»
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Қурбонбой Матқурбонов.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0257. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6